

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЧЕГАРА БОЖХОНА ПОСТЛАРИДА ТРАНСПОРТ
ВОСИТАЛАРИНИ БОЖХОНА НАЗОРАТИ ВА РАСМИЙЛАШТИРУВИДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБ-
ТАОМИЛЛАРИНИ ХАЛҚАРО НОРМАЛАРГА МУВОФИҚЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

**ВОПРОСЫ СООТВЕТСТВИЯ НОРМ ТАМОЖЕННЫХ ПРОЦЕДУР, ОСУЩЕСТВЛЯЕМЫХ
НА ПРИГРАНИЧНЫХ ТАМОЖЕННЫХ ПОСТАХ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ТРЕБОВАНИЯМ
МЕЖДУНАРОДНЫХ НОРМ**

**ISSUES OF COMPLIANCE OF THE NORMS OF CUSTOMS PROCEDURES CARRIED OUT AT THE
BORDER CUSTOMS POSTS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN WITH THE REQUIREMENTS OF
INTERNATIONAL STANDARDS**

Хабибов Рустам Изатуллаевич –

Ўзбекистон Республикаси ДБҚ Божхона институти
бошлиғи ўринбосари, tiger.1974@list.ru

Хабибов Рустам Изатуллаевич –

заместитель начальника Таможенного института
ГТК Республики Узбекистан, tiger.1974@list.ru

Khabibov Rustam Izzatullaevich –

the deputy head of Customs Institute
SCC of the Republic of Uzbekistan, tiger.1974@list.ru

Аннотация: Мақолада чегара божхона постлари вазифаларида божхона мақсадидан узоқ тартиб-таомиллар мавжудлиги таҳлил қилинган. Божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш, вақтни қисқартиришда тўсиқ бўлаётганлиги муаммоси кўрсатилган. Уларни қайта кўриб чиқиш, халқаро нормалар даражасига мослаштириш зарурлиги таклиф қилинган.

Аннотация: В статье анализируются нехарактерные для таможенных целей таможенные процедуры, осуществляемые в приграничных таможенных постах. Они становятся препятствием в реформах по упрощению таможенных процедур и сокращению времени. Предложено пересмотреть таможенные процедуры и в соответствии с международными нормами.

Annotation: The article analyzes customs procedures that are uncharacteristic for customs purposes, carried out at border customs posts. They become an obstacle to reforms to simplify customs procedures and reduce time. It is proposed to review customs procedures in accordance with international standards.

Калит сўзлар: чегара божхона постлари, божхона тартиб-таомиллари, божхона йиғимлари, вақтни қисқартириш, божхона расмийлаштируви, халқаро юк ташувлари

Ключевые слова: приграничный таможенный пост, таможенные процедуры, таможенные сборы, сокращение времени, таможенное оформление, международные перевозки

Keywords: border customs post, customs procedures, customs fees, time reduction, customs clearance, international transportation

Кириш

Мамлакатимизда сўнгги йилларда божхона ишини халқаро нормалар даражасида такомиллаштириш, божхона тартиб-таомиллари самарадорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бироқ, чегара божхона постлари вазифаларига

божхона мақсадларидан узоқ тартиб-таомиллар ҳам кириб қолганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу эса ўз навбатида божхона тартиб-таомилларини янада соддалаштириш, расмийлаштиришга сарфланаётган вақтни янада қисқартиришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Чегара божхона постларида хизмат

олиб бораётган инспекторларни ортиқча вази-фалардан ҳоли қилиш, тартиб-таомилларни божхона мақсадлари нуқтаи назаридан қайтадан кўриш чиқиш ва халқаро нормаларга мувофиқлаштириш зарурлигини тақазо этади ва мақолани долзарблигини белгилайди.

Адабиётлар таҳлили

Эътироф этиш жоизки, божхона расмийлаштирувида юкларни божхонадан муомалага чиқариш вақтини қисқартириш оғриқли ва мунозарали масалалардан бири ҳисобланади.

Божхонага оид иқтисодий адабиётлар таҳлили кўрсатмоқдаки, божхона тартиб-таомиллари масаласи ва муаммолари етарли даражада ўрганилмаган ва ёндошувлар ҳам турлича, халқаро мезонларга мослашмаган. Масалан, Жаҳон банки очиқ интернет сайтида жойлаштирган тадқиқод натижасига кўра, Сингапурда импорт юкини божхона расмийлаштирувига кўпи билан 4 кун, Ўзбекистонда 92 кун сарфланади[12].

ДБҚ Раисининг Олий Мажлис Қонунчилик Палатасида “2020–2023 йилларда божхона маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш ва божхона органлари самарадорлигини ошириш концепцияси ижроси бўйича берган ҳисоботида эса, хавфни бошқариш тизими ёрдамида экспортнинг 84 фоизи, импортнинг 74 фоизи соддалаштирилган тартибда расмийлаштириляётганлиги, ҳар бир товар партияси учун ўртача экспортда 1 соатгача (аввал 2 кун) ва импортда 4-5 соатгача (аввал 3 кун) вақт сарфланаётганлиги маълум қилинган[3].

Демак, кўриниб турибдики, божхона тартиб-таомилларини қайта кўриб чиқиш, уларни баҳолаш ягона услуби ва мезонларни аниқлаб олиш лозим бўлади.

Ўзбекистон 2020 йил 21 декабрда *129 та давлат қаторида* Божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш Киото Конвенциясига (18.05.1973, Янгиланган Киото Конвенцияси, Revised Kyoto Convention) аъзо бўлган ва ундаги халқаро стандартларини бажариш мажбуриятини олган.

Божхона тартиб-таомиллари нуқтаи назаридан ушбу халқаро норматив ҳужжат жуда муҳим ҳисобланади.

Конвенция доирасида божхона ишига “замонавий рақамлаштирилган божхона тех-

нологиялари” жорий қилинмоқда. Масалан, автоматлаштирилган божхона ахборот тизимлари, “ягона дарча” божхона ахборот тизими, электрон ахборот алмашиш, хавфни бошқариш, аввалдан дастлабки маълумот тақдим этиш, автоматлаштирилган тарзда чиқариш, навбатларни бошқариш, икки йўлак-ли тизим, тартиб-таомилларни ўзаро тан олиш, ваколатли иқтисодий операторлар, божхона аудити ва бошқалар.

Юртбошимиз Ш. Мирзиёев 2022 йил 17 февраль куни божхона ходимлари билан ўтказган йиғилишда, “Божхона тизими мамлакатимизни жаҳон иқтисодиёти билан боғлайдиган муҳим кўприк. Бу тизим тўғри ва очиқ-ошкора ишламаса, тадбиркорлик ва инвестицияларга тўсиқ бўлади” деб таъкидлаган эдилар[11].

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, Ўзбекистон ЖТСга аъзо бўлиши ва Евроосиё Иқтисодий Иттифоқи (ЕИИ) билан интеграция жараёнларини чуқурлаштириш зарурлиги таъкидланган.

Жорий йилда мамлакатимизда Жаҳон савдо ташкилотига (ЖТС) аъзо бўлиш бўйича Ишчи гуруҳнинг 5-6-йиғилишлари ўтказилади. Етакчи экспертлар, шу жумладан хорижий мутахассислар қонунчилигимизни ЖСБ битимлари нормаларига мувофиқлаштириш ишларини олиб борадилар. Савдодаги техник тўсиқлар юзасидан ахборот-таҳлилий маълумотлар тайёрланади[4].

Демак, халқаро савдо ва бизнес юритишни янада эркинлаштириш, тартиб-таомилларни соддалаштириш, маъмурий тўсиқларни қисқартириш масалалари долзарб масалалар қаторида турибди.

Тадқиқот методологияси

Чегара божхона постларидаги божхона тартиб-таомилларини ўрганишда маълумотларни гуруҳлаш, эмпирик таҳлил қилиш ва моделлаштириш усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Божхона қонунчилигига кўра, божхона чегараси орқали олиб ўтиляётган товар ва транспорт воситалари белгиланган тўхташ ва туриш жойларидан жўнатиш зарур божхона тартиб-таомиллари тугалланганидан сўнг руҳсат этилади.

Божхона расмийлаштируви хавф даражасига кўра божхона назорати тартиб-таомилларини ҳамда қонунчиликда назарда тутилган давлат назорати (ветеринария, фитосанитария, экологик ва бошқа рухсат этиш тусидаги ҳужжатлар мавжудлиги тасдиқлаш) амалга оширилишини ичига олади.

Тўхтаб туриш давомийлиги божхона назорати ва божхона расмийлаштируви манфаатларига зид равишда қисқартирилиши ҳам мумкин эмас [1, 248-модда].

Демак, товарни чиқариб юбориш божхона расмийлаштирувини яқунловчи ва товарлардан фойдаланишга ва уларни тасарруф этишга рухсат берилганлигини ифодаловчи ҳаракат тушунилади [1, 15-модда].

Божхона чегарасида соддалаштирилган ва самарали божхона тартиб-таомиллари амалга оширилиши мамлакат иқтисодиётига инвестиция киритиш имкониятини оширувчи омил бўлиб хизмат қилади.

2026 йилда мамлакат экспорти ҳажми 30 миллиард АҚШ долларига етказилади (2021й. \$16,6 млрд.). Экспортчи корхоналар сонини 6 500 тадан 15 000 тага, товарлар экспорт географиясини 115 тадан 150 тага етказилади. МДҲ мамлакатлар бозорларига экспорт ҳажми ва номенклатураси оширилади.

2021 йилда Ўзбекистон ташқи савдо айланмаси 2020 йилга нисбатан 16%га ўсиб, \$42,1 млрдни ташкил этган. Экспорт ҳажми 10%га ошган бўлса, импорт 20,4%га ўсиб, \$25,46 млрдни ташкил этган. Саноат товарлари экспорти олтин экспортдан ўзиб кетган [10].

Мамлакат иқтисодиётининг динамик ривожланиши, чегара божхона постлари иш ҳажми ошишига, юкли транспорт воситалари тирбандлигига таъсир этади.

Қонунчиликда чегарада назорат техник воситаларини қўллаган ҳолда юклар назорат тартиб таомилларидан ўтиши учун киришда 30 дақиқа (шундан божхона расмийлаштируви учун 15 дақиқа), чиқишда 20 дақиқа (10 дақиқа) этиб чегараланган [8].

Чегара божхона постлари сонини кўпайтириш жуда кам эҳтимолли ечим. Қўшни мамлакат манфаатига доим тўғри келавермайди ва халқаро йўллар инфраструктураси ривожланмаганлигига бориб тақалади. Чегара ўтказиш пунктини модернизация қилиш ва ходимлар

сонини ошириш ҳам шунга боғлиқ.

Шу боис, божхона тартиб-таомилларини халқаро стандартларга мувофиқлаштиришда, тартиб-таомилларни соддалаштириш ва рақамлаштириш мақбул ечим ҳисобланади.

Hummels тадқиқотларига кўра, 1 кун ташувлар учун кетган вақт иқтисоди 0,8% товар қийматига тенг.

Қонунчиликка мувофиқ, чегара божхона постида кириш йўналишидаги юкли транспорт воситасини божхона расмийлаштируви жараёни электронлаштирилганлигига қарамай, мураккаб, кўп вақт ва эътиборни талаб этади [9]. Буни тасаввур этиш учун, инспектор бажарадиган қуйидаги амалларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Чунки, электрон расмийлаштирув биринчиси иккинчисини тўлдирувчи 2 босқичда амалга ошади: божхона назорати (аслини текшириш) ва божхона расмийлаштируви (ҳужжатларни текшириш ва тизимга маълумот киритиш).

1. *Божхона назорати туркумидаги тартиб-таомиллар:*

1.1. Товар ва транспорт воситаси ҳужжатлари, юк ва йўловчи халқаро ташиш рухсатномаларини қабул қилиш, текшириш;

1.2. Божхона хизматлари томонидан қўйилган белги, штамп, муҳрлар мавжудлиги, тўлиқлиги, ўзгармаганлигини текшириш;

1.3. Транспорт воситасини ИКМдан ўтказиш;

1.3. Радиацион фон даражасини ўлчаш;

1.4. Транспорт воситаси вазнини ўлчаш;

1.5. Транспорт воситаси назоратда турганлиги, қидирув эълон қилинмаганлиги, ТИР-Карнет китобчаси йўқолган ёки бекор бўлмаганлигини текшириш;

1.6. Ҳайдовчи ва юкка жавобгар шахс билан оғзаки сўров ўтказиш;

1.7. Пломбалар бузилмаганлигини текшириш;

1.8. Божхона худудига олиб кириш, транзит олиб ўтиш, олиб кириш тақиқланган, рухсатнома тақдим қилиш шарт товар ва транспорт воситаларини текшириш;

1.9. Божхона кўздан кечируви ва божхона кўригини амалга ошириш;

1.10. Автотранспорт воситаси Республикага кириши ёки ҳаракатланиши учун йиғимлар ундириш;

1.11. Юк-кузатув ҳужжатларига ва нусхаларига штамп ва имзо қўйиб, шахсий муҳр билан тасдиқлаш;

1.12. Автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташиш учун берилган рухсатномаларга маълумотлар киритиб шахсий муҳри билан тасдиқлаш;

1.13. Транспорт воситасига пломба илиб, юк ҳужжатларига қайд этиб, имзо ва шахсий муҳрини қўйиш.

2. *Божхона расмийлаштируви туркумидаги тартиб-таомиллар*: (жараён 4 та элементдан иборат: 1. “АВТО” ЯАТ; 2. Халқаро йўлларда ташиш китобчаси; 3. Юкни етказиб бериш назорат китобчаси 4. Транспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш тўғрисида мажбуриятнома).

2.1. Товар ва транспорт воситалари ҳақидаги маълумот “АВТО” ЯАТдаги “Товар ва транспорт воситаларини электрон рўйхатга олиш” китобида аввалдан интернет тармоғи орқали юборилган электрон маълумот (1 соат аввал юборилади) асосида шаклланади ва электрон рўйхатга олинади (ёки тегишли ҳужжатлар асосида қўлда киритилади). Жўнатиладиган дастлабки маълумот таркиби 10 та бўлим, 83 та маълумотдан иборат. Улар электрон китобга йиғимлар, халқаро ташувлар рухсатномаси, пломба рақамлари киритилади (11 параграф, жами 80 та катак).

“АВТО” ЯАТ ДБҚ ЯАТ субтизими ҳисобланади. Юборилган маълумот дастлаб ДБҚ ЯАТга келиб тушиб, ахборотларни мантиқан ўзаро таққослаш ёки божхона органларида мавжуд маълумотлар билан солиштириш ва уларнинг белгиланган форматга мувофиқлигини дастлабки текширувдан ўтказиш мақсадида **формат-мантиқий назоратдан ўтказилиб, идентификацион рақами берилади.**

2.2. Бир вақтнинг ўзида юксиз ҳамда юк ташиётган хорижий автотранспорт восита-

ларига қайтариб олиб чиқиш тўғрисида мажбуриятнома ва ХЙТ/ЮЕНБ (26 та катак) китобчалари формулярлари маълумотлар билан автоматик равишда шаклланади. Экспортда электрон китобга БЮД рақами киритилганда, автоматик равишда ЮЕБНК шаклланади. ХЙТ китобчасини тегишли варағи қўлда тўлдирилади. ХЙТ китобчаси йўқ бўлса, ЮЕБНК шакллантирилиб назоратга қўйилади.

Юқоридагилар стандарт жараён, номувофиқлик юзага келганда инспектор қўшимча функцияни бажариши ва бунга вақт талаб қилиши мумкин.

Қўриниб турибдики, божхона мақсадида амалга ошириладиган божхона расмийлаштируви тартиб-таомиллари ўзи катта ҳажми ташкил этади ва амалиётда вақт меъёрлари чегарасидан ҳам чиқади.

Бундан ташқари, божхона мақсадларидан узоқ, аммо муайян вақт талаб этадиган, ислохотлар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатадиган, божхонага хос бўлмаган қуйидаги функциялар ҳам инспектор зиммасида мавжудлиги маълум бўлди. Масалан:

1. Автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташишларини рухсатномалар асосида амалга ошириш (ВМ-202 15.03.2018)

Миллий ва хорижий ташувчилар Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлат ҳудуди бўйлаб автомобилда юк ва йўловчиларни ташиш ваколатли органлар (транспорт вазирлиги) берган бир маротабалик рухсатнома асосида ҳаракатланади. Хорижий ташувчига Ўзбекистонда бериладиган ҳужжат “рухсатнома”, миллий ташувчига хорижий давлат ҳудуди бўйлаб ўтишига бериладиган ҳужжат “хорижий рухсатнома” деб номланади. Рухсатномалар 7 хилда, бир турдаги ёки кўп турдаги бўлиши мумкин (1-рўйхат).

1-рўйхат

№	Автотранспорт воситасида давлат ҳудуди бўйлаб ўтиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат турлари
1	Икки томонлама юк ташиш учун
2	Транзит юк ташиш учун
3	Учинчи давлатга/дан юк ташиш учун
4	Икки томонлама/транзит юк ташиш учун
5	Номунтазам икки томонлама қатновларда йўловчиларни ташиш учун
6	Номунтазам транзит қатновларда йўловчиларни ташиш учун
7	Номунтазам икки томонлама/транзит қатновларда йўловчиларни ташиш учун

Қоидага кўра, автомобилда хорижий юк ташувчилар томонидан юкларни учинчи мамлакатларга/дан ташишига, хорижий ташувчиларга тегишли бўлган автотранспорт воситаларида Ўзбекистон ҳудудида жойлашган пунктлар орасида йўловчи ва юкларни ташишга (каботаж) йўл қўйилмайди. Транзит қатновдан орқага қайтаётган хорижий юк автотранспорт воситаси йўл-йўлакай Ўзбекистондан фақат рухсатнома мавжуд бўлганда юк олишига рухсат этилади. Ташувларни тартибга солишдан мақсад, миллий ташувчиларни ҳимоялаш, мамлакатимиз транспорт-логистика салоҳиятини ошириш, ташув нархлари барқарорлигини таъминлаш ҳисобланди.

Транспорт воситаси рухсатномага эгаллиги божхона органлари томонидан назорат қилинади [5, 5-банд].

2. Автомобилда хорижий юк ташувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида киришлари, бўлишлари, юк олиб ўтишлари ва ундан чиқиб кетишлари

тартиби (ВМ-11 11.01.1995)

ЖБТ SAFE ҳадли стандартларида (2.1.5.) экспорт ва импорт расмийлаштируви учун зарур бўлган маълумотлар (DATE MODEL) рўйхатида божхона мақсадида юкнинг умумий брутто вазни олиниши белгиланган [13].

Миллий қонунчиликка кўра, кириб келган автотранспорт техник ҳолатини, йўл қўйиладиган оғирлик ва габарит параметрларини, тахографлар мавжудлигини текшириш, республика ҳудудида ҳаракатланиш йўналишларига риоя қилишини назорат қилиш, ҳужжатларни расмийлаштириш, кирганлиги ҳамда транзит ўтиши учун йиғимларни ундириш божхона органига юкланган Ундирган маблағнинг 20%и Молия вазирлигига, 80%и Транспорт вазирлиги жамғармасига ўтказилади [5, 5-7-бандлар] (1-жадвал).

2.1. Кирганлиги ҳамда транзит ўтиши учун йиғимлар

1-жадвал

Хорижий давлатлар автотранспортлари Ўзбекистонга кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзити учун йиғимлар ставкалари

№	Йиғим тури	Йиғим ставкаси (\$)
1.	Чет давлатлар юк автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзити учун йиғим (бундан 2 – 7 бандларда кўрсатилган давлатлар мустасно)	400
2.	Тожикистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси юк автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзити учун йиғим, юк кўтариш қувватлари:	
	10 тоннагача	100
	10 тоннадан 20 тоннагача	150
	20 тоннадан юқори	200
3.	Қозоғистон Республикаси юк автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзити учун йиғим	300
4.	Қирғизистон Республикаси юк автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзити учун йиғим	300
5.	Туркманистон Республикаси юк автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзити учун йиғим, юк кўтариш қувватлари:	
	10 тоннагача	50
	10 тоннадан 20 тоннагача	100
	20 тоннадан юқори	150
6.	Европа Иттифоқига аъзо давлатлар юк автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзити учун йиғим	150
7.	Афғонистон Республикаси юк автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзити учун йиғим	50

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб чет давлатларнинг оғир вазли ва йирик габаритли юк автотранспорт воситалари ўтганлиги учун мазкур иловада назарда тутилган ставкалар бўйича йиғим тўланиши билан бир қаторда қўшимча равишда қонунчиликда белгиланган миқдорларда тўлов ундирилади (2.2-банд).

Ўзбекистон Республикасига учинчи мамлакатлардан юклар олиб ўтишда ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан юкларни олиб чиқишда Туркменистон Республикаси юк автотранспорт воситаларидан қўшимча равишда 175 АҚШ доллари миқдорида йиғим ундирилади.

Гуманитар юкларни олиб ўтишда автотранспорт воситаларининг олиб кирилиши ва транзитида ундириладиган йиғимлар ставкасига нисбатан 0,5 камайтирувчи коэффициент қўлланилади.

2.2. Йўл қўйиладиган оғирлик ва габарит параметрларини текшириш.

Божхона ходими инструментал назоратни амалга оширади[7, 19-банд]: транспорт воситасининг ҳажмларини ўлчаш (оғирлик, узунлик, кенглик ва баландлик кабилар); ўқлар ўртасидаги масофани ўлчаш; яқин жойлашган ўқлар ва ўқлар гуруҳини аниқлаш; подвеска турини аниқлаш (пневматик ёки унга эквивалент); транспорт воситасининг ҳар бир ўқидаги ғилдираклар сонини аниқлаш; якка ўққа, яқин жойлашган ўқлар ва ўқлар гуруҳига тушадиган оғирликни ўлчаш; умумий оғирлигини ўлчаш ва бошқалар.

Рухсат берилган юк ҳажмлари 5%гача бўлса, тўлов ундирган ҳолда, 5%дан ошса, транспорт вазирлиги махсус рухсатномаси ҳамда тўлов ундирган ҳолда ҳаракатланишига рухсат берилади. Тўлов 4 хил тури мавжуд (2-4 жадваллар):

2-жадвал

Оғир юкли ва йирик габаритли транспорт воситалари ўтиши учун аризаларни кўриб чиқиш, йўналишни келишиш ва рухсатнома бериш учун тўланадиган тўлов

100 км га қадар	25 АҚШ доллари
ҳар бир кейинги километр учун	0,11 АҚШ доллари

3-жадвал

Транспорт воситасининг умумий ҳақиқий массаси рухсат берилганига нисбатан ошганлиги учун тўланадиган тўлов

Умумий ҳақиқий вазнининг йўл қўйиладиган вазнга нисбатан ортиқчалик миқдори, t	Юриладиган 1 км масофа учун тариф, АҚШ доллари
0 дан 5 гача	0,04
5 дан 10 гача	0,06
10 дан 15 гача	0,12
15 дан 20 гача	0,20
20 дан 25 гача	0,30
25 дан 30 гача	0,46
30 дан 35 гача	0,66
35 дан 40 гача	0,92
40 дан 45 гача	1,26
45 дан 50 гача	1,70
50 ва ундан юқори	2,00

Оғир юкли транспорт воситаларининг автомобиль йўлларида ўтқи тушадиган ҳақиқий оғирликнинг (Оф) рухсат берилганга (Од) нисбатан ошганлиги учун тўлов ҳар бир ортиқча юкланган ўқ учун тўлов

Ғилдирак ўқи ҳақиқий юкламасининг йўл қўйиладиган юкламага нисбати (Оф/Од)	Ҳар бир ўқнинг йўл қўйиладиган юкламадан ортиқча юклама билан юрилган масофа учун тариф, АҚШ доллари	Ғилдирак ўқи ҳақиқий юкламасининг йўл қўйиладиган юкламага нисбати (Оф/Од)	Ҳар бир ўқнинг йўл қўйиладиган юкламадан ортиқча юклама билан юрилган масофа учун тариф, АҚШ доллари
1,01 дан 1,05 гача	0,11		1,46
1,05 дан 1,10 гача	0,12		
1,10 дан 1,15 гача	0,28	1,60 дан 1,65 гача	1,70
1,15 дан 1,20 гача	0,36	1,65 дан 1,70 гача	1,90
1,20 дан 1,25 гача	0,42	1,70 дан 1,75 гача	2,16
1,25 дан 1,30 гача	0,50	1,75 дан 1,80 гача	2,44
1,30 дан 1,35 гача	0,60	1,80 дан 1,85 гача	2,76
1,35 дан 1,40 гача	0,70	1,85 дан 1,90 гача	3,08
1,40 дан 1,45 гача	0,82	1,90 дан 1,95 гача	3,46
1,45 дан 1,50 гача	0,96	1,95 дан 2,00 гача	4,00
1,50 дан 1,55 гача	1,10	2,00 ва ундан юқори	
1,55 дан 1,60 гача	1,28		

5-жадвал

Транспорт воситалари ҳажмларининг ортиқчалиги учун тўлов

юриб ўтилган \ км йўл учун	0,15 АҚШ доллари миқдорида
----------------------------	----------------------------

Ушбу чора-тадбирлар транспорт соҳадаги қонунчиликка риоя қилишни таъминлаш, йиғилган маблағларни йўллар ва иншоотларни таъмирлаш, сақлашга йўналтиришга қаратилган.

Шунингдек, транспорт воситалари вазни ва ҳажми ўлчовларини автоматик аниқлаш бўйича 18 та чегара божхона постидаги 33 та тарозидан 21 тасида ўқларга тушадиган оғирлик ўлчаш имконияти чекланганлиги ва 12 таси маънан эскирганлиги, ушбу функциянинг амалий аҳамияти ва самарасини пасайтиради.

3. Туси ўзгартирилган ойнали автотранспорт воситаларидан фойдаланишни тартибга солиш (ВМ-547 18.07.2018)

Чегара божхона постида хорижий давлатнинг туси ўзгартирилган ойнали энгил автотранспорт воситалари Ўзбекистон ҳудудига вақтинча кириши ва транзит ҳаракатланиши учун давлат бюджетига 15 АҚШ доллари миқдорида мажбурий йиғим ундирилади.

Бундан ташқари, хорижда ишлаб чиқарилган туси ўзгартирилган ойналар ўрнатилган автотранспорт воситаларини импорт ва вақтинча олиб келиш божхона режимига жойлаштиришда ҳам ундирилган йиғим 40% давлат бюджетига, 60% йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати жамғармаларига ўтказиб берилади (6-жадвал).

**Туси ўзгарган ойнали импорт ва вақтинча олиб кириш божхона режимларидаги
автотранспорт воситаларига рухсатнома бериш учун тўлов ставкалари (БҲМ=300 минг сўм)**

M1, N1 ва N2 тоифа автотранспортлар	
орқа ён ойналар бўйича:	
жисмоний шахслар учун	БҲМ 5 баробари
юримдик шахслар учун	БҲМ 10 баробари
хорижий давлатлар юримдик шахслари учун	БҲМ 20 баробари
орқа ва олд ён ойналар бўйича:	
юримдик шахслар учун	БҲМ 50 баробари
хорижий давлатлар юримдик шахслари учун	БҲМ 80 баробари
M2, M3 тоифага оид III класс автотранспортлар	
ён ойналар бўйича:	
Барча шахслар	БҲМ 40 баробари

4. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йўл ҳаракати қоидаларини бузган хорижий автотранспорт воситалари ҳайдовчиларидан жарималарни ундириш тартиби (ВМ-463 5.08.2020)

Чегара божхона постида Ўзбекистон ҳудудида йўл ҳаракати қоидаларини бузган вақтинча олиб кирилган хорижий автотранспорт воситасичиқиб кетаётганда божхона органлари томонидан жарималар ундирилади. Қоидабузарликни бошқа ҳайдовчи содир этилган бўлса ҳам, жаримани уни амалда олиб чиқарган ҳайдовчи тўлашга мажбур.

Транспорт воситаси Республикага кириш вақтида жарима мавжудлиги аниқланса, чегара ёки ички ТИФ божхона поста ундириш чоралари кўрилади. Транзит ташувларда Республика ҳудудига киритилмайди.

Жаримани ундириш ҳам божхона ходими учун вақт талаб этадиган жараён. Масалан, чегара божхона пости ходими Ички ишлар идоралари тақдим этган маълумотлар базаси орқали онлайн режимида транспорт воситаларини мустақил равишда текшириб боради, тегишлигига кўра қарордан 2 нусхада чоп этади, жарима тўлангач, ДБҚ ЯААТга тегишли маълумотларни киритади. Ёки жарима тўлангунга қадар уни вақтинча сақловга олади (экспорт юклар ташувчи транспортлар бундан мустасно). Жарималар Ички ишлар идораларининг бюджетдан ташқари жамғармасига, унинг 50% божхона органлари махсус жамғармасига ўтказилади.

Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, ахборотлаштирилган дастур такомиллашмаганлиги сабабли, фуқаро жаримани 30% чегирма билан тўлай олмайди (жарима тўғрисидаги қарор чиқарилганидан кейин 15 кун ичида амал қилади) ва бу ҳам фуқароларнинг эътирозлари ўрганилганда “божхонадаги муаммо” сирасига кириб қолмоқда.

5. Ўзбекистон Республикасига корона-вирус кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш (01-07/1-234, 11.01.2022й. Республика махсус комиссияси 92-сон баёни).

Мамлакатимиздаги барча чегара ўтказиш пунктларида коронавирус инфекциясини аниқлаш хизмати фақат Давлат божхона кўмитасининг Марказий божхона лабораторияси томонидан амалга оширилади. Чегара божхона постларида тест олиш, касса тўловларини қабул қилиш ишлари ташкиллаштирилган.

Тестлар олиш ёлланма СЭС ходимлари томонидан амалга оширилсада, банк муассасаси фаолияти билан боғлиқ муаммолар мавжудлиги сабабли, божхона постидан ажратилган ходимлар томонидан касса тўлови кирим қилиб келинмоқда, ҳар сменадан 1 та масъул ходим тест масалаларни мувофиқлаштириш учун ажратилади.

Хулоса ва таклифлар

Бизнинг хулосамизга кўра, чегара божхона постида амалга ошириладиган божхона тартиб-таомиллари орасида божхона мақ-

садларига мос бўлмаган ортиқча функциялар ҳам мавжуд. Халқаро юклар ҳажми йилдан-йилга ошиб бораётган бир вақтда, божхона расмийлаштирувини қисқартириш, соддалаштиришга улар тўсиқ бўлиб қолади. Бундан ташқари, мамлакатимиз Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш масаласи халқаро экспертлар томонидан ўрганилиши жараёнида паст индекс белгилашга сабаб бўлиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, божхона тартиб-таомилларини инвентаризациядан ўтказиб, халқаро тан олинishi мумкин бўлган, бир-бирини такрорламайдиган, замонавий ра-

камлаштирилган божхона технологияларига кирувчи, Янгиланган Киото Конвенцияси, SAFE ҳадли стандартлари ва ЖБТнинг тегишли тавсия ва компендиумлари нормаларига мослаштириш мақсадида қайта кўриб чиқиш зарур.

Шунингдек, ЖБТ томонидан ишлаб чиқилган “Чиқиш вақтини ўрганиш” (Time release study) қўлланмаси услублари асосида чегара божхона постларида юк ва транспорт воситаларини чегарадан ўтиш вақтларини таҳлил қилишни таклиф этамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 22.04.2016. <https://lex.uz/docs/2876354>.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-742-сон Қонунига 10-илова. “2022 йил учун чет давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзити учун йиғимларнинг ставкалари. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасининг қарори. 18.10.2021, 1434-IV-сон. www.lex.uz
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 11 январдаги 11-сон «Автомобилда хорижий юк ташувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришлари, бўлишлари, юк олиб ўтишлари ва ундан чиқиб кетишлари тартиби тўғрисида»ги қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 мартдаги 202-сон «Автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 1-иловаси билан тасдиқланган. Автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташишга рухсатномаларни айирбошлаш квотасини белгилаш, тақсимлаш, бериш ва фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 майдаги 337-сон “Транспорт воситаларининг вазн ва ҳажм параметрларини назорат қилишни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 1-иловаси билан тасдиқланган Низом.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 ноябрдаги 912-сон «Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида чегара, божхона, санитария-карантин, фитосанитария ва ветеринария назоратини ташкил этиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори.
8. ДБҚнинг 2019 йил 6 июндаги “Автотранспорт воситалари ва уларда ташилаётган юкларни электрон рўйхатга олиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 189-сон буйруғи.
9. 2021 йилда Ўзбекистон ташқи савдо айланмаси 16% ўсди. газета.uz. Онлайн газета. 21.01.2022. 16:30. <https://www.gazeta.uz/uz/2022/01/21/trade/>
10. Божхона тизимини коррупциядан ҳоли қилиш – энг устувор вазифа. Халқ сўзи online. 17.02.2022. 20:04. <https://xs.uz/uzkr/post/bozhkhona-tizimini-korruptsiyadan-kholi-qilish-eng-ustuvor-vazifa>.
11. Практическое руководство по упрощению процедур торговли. Таможенная очистка. Таможенная очистка грузов в рамках международной торговли. <https://tfig.itcilo.org/RUS/contents/clearance.htm>.